

## Фоний дунё



08:00 / 27.03.2021 3656

Сулаймон ибн Абдулмалик волий бўлиб турган кунларининг бирида жума куни чиройли бир кийимни кийди, хушбўйликлардан сепди. Сўнг саллаларидан бирини танлаб, уни кийди-да, қўлига асони олиб, минбарга кўтарилди. Одамларга юзланиб, уларга айтмоқчи бўлган хутбасини айтиб кўрди. Кейин эса ўзидан мағрурланиб кетиб, ўзича: «Нақадар қудратли, ҳайбатли ва саховатли подшоҳман-а!» деди. Шу пайт жорияларидан бири кўз олдида гавдаланиб қолган эди, ундан: «Мўминларнинг амири ҳақида нима дея оласан?» деб сўради. Жория шундай деди: «Нафслар орзу қиладиган, кўзларни қувонтирадиган инсон. Фақат... бир шоир айтганки...», деди. Подшоҳ: «Хўш, нима деган ўша шоир?» деди. Жория шундай деди:

*«Агар боқий қолганингда эди,*

*Қандай яхши матоҳ бўлардинг!*

*Лекин инсонга боқийлик йўқдир.*

*Аллоҳ биладикки, сен ўткинчисан!»*

Бу гаплардан Сулаймон ибн Абдулмаликнинг кўзларига ёш келди. Йиғлаганча одамларнинг олдида чиқди. Хутбани ва намозни тугатгач, ўша жориясини чақириб, «Мўминларнинг амирига бу гапларни айтишга сени

нима ундади?» деди. Жория: «Мен бугун мўминларнинг амирини кўрмадим ҳам, олдига кирмадим ҳам-ку?» деди. Сулаймон ҳайрон бўлиб, жорияларни назорат қилувчи одамни чақириб, ундан сўраган эди, у жориянинг гапини тасдиқлади. Подшоҳ кўрқиб кетди. Орадан кўп ўтмай, Сулаймон ибн Абдулмалик вафот этди.

***«Солиҳлар гулшани» китобидан олинди***